

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 33653

2022 й. «22» 7

766-3-44-ХТ/2022-
сон

Ҳаснат ш.

Бахмал тумани халқ таълими бўлими Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номидан Низом асосида иш кўрувчи мудир К.Гулбоев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "BAХМАЛ IMKON STROY" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари М.Шукуруллаева иккинчи томондан, Бахмал тумани халқ таълими булимига қарашли 14-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари учун ушбу пудрат шартномаси (контракт)ни туздилар.

1. Шартнома мавзуси.

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Бахмал тумани халқ таълими булимига қарашли 14-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш объекти лойиҳасида кузда тутилган жорий таъмирлаш буйича ишларни бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома буйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нарх 99 900 000 (тўқсон тўққиз минг тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган баҳо дастлабки бўлиб, сўнгги баҳо Пудратчи тақдим этган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Шартнома баҳоси инфляция натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ харажатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3-бандида белгиланган тартибда қопланади.

3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи мазкур пудрат шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 (ун) банк куни давомида пудратчига шартнома қийматининг 30 % миқдорида аванс тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 3 (уч) банк кун муддатдан кечиктирмасдан пудратчига бажарган ишлар учун охириги 70 % ҳисоб-китобни амалга оширади.

3.2. Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 й. « 21 » июль қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

3.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, унинг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

3.4. Ишларни бажариш муддати:

2022 йил « 21 » июнъдан 2022 йил « 21 » августгача.

3.5 Бажарилган ишлар кафолат муддати 1 (бир) йил.

Пудратчи ишларни олдин бажариш ҳуқуқига эга

3.7. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

3.8. Мазкур шартнома ғазначиликда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиха ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

лойихага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

қурилиш майдончасида техника ва ёнгин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг кўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш

далолатномаси имзолангандан кейин 10 кунлик муддатда қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

ишларнинг календар режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома сўммасидан 5 % миқдорида жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишларнинг баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

6.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз _____ ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг

ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

- пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

- буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқолганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Коррупцияга қарши шартлашув

9.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Бахмал тумани Халқ таълими
бўлими
Бахмал тумани Дўстлик МФЙ
ш.х/р:10022860082047092100075088
Банк:Тошкент шаҳар Марказий
банк ББ
ИНН 207130019 ОКОНХ 97600
Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги Ягона ғазна ҳисоб варағи
х\р 2340 2000 300 100 001 010
МФО 00014
ИНН 201 122 919

Пудратчи

"Бахмал имкон строй" МЧЖ
Бахмал туман Кутлуғобод ҚФЙ
Банк:АТ"ХАЛҚ БАНКИ" Бахмал
филиали
х\р 20 208 000 400 594 375 001
ИНН: 303835398
МФО 00681

КОД ОКОНХ 41202



К.Гулбоев



М.Шуруллаева

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ BT48173770

1. Loyiha tur: Shartnoma

2. Loyiha nomi: Baxmal tuman Xalq ta'limi bo'limining Pudrat shartnomasi .

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Baxmal tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 21-iyulda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Yuridik xulosa: Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz Bosh yuriskonsulti:



Z.X.Mansurov
2022-yil 22-iyul.

БАХМАЛ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ 14 СОҢЛИ МАКТАБ
БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ УЧУН ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИНИНГ

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 9

« 20 » июль 2022 йил

Ўснат ш.

Йиғилишда катнашдилар :

К.Гулбоев - Халқ таълими бўлими мудирининг

Комиссия аъзолари :

Б.Кудратов - Бош ҳисобчи

М.Босимов - Бош муҳандис

А.Кулиев - Бош ҳисобчи ўринбосари

Ж.Сабзалиев - Бош мутахассис

Кун тартиби:

**Товар иш хизматлари хариди тўғрисида 2022 йил 16 июль
ЭЪЛОН (БУЮРТМАНОМА) Лот: 22110012118301**


Молиялаштириш манбаи		Бюджет маблағи	Бюджетдан ташқари маблағи	Давлат мақсади ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағи	
№	Товар (иш, хизмат)нинг номи				
1	14 умумтаълим мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари	99 900 000			
	Жами				

Бахмал туман халқ таълимига қарашли 14 умумтаълим мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари буйича 2 (иш) кун мобайнида комиссия аъзоларига ва Бахмал туман халқ таълими бўлими ҳеч қандай шикоят ва эътирозлар келиб тушмади. “Бахмал имкон строй” МЧЖ томонидан Бахмал туман халқ таълимига қарашли 14 умумтаълим мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари буйича тақдим этилган таклифни энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб қўрилган ва талабгор танлов ғолиби деб топилган.

Йиғилиш раиси:

 К.Гулбоев

Йиғилиш аъзолари:

 Б.Кудратов

 М.Босимов

 А.Кулиев

 Ж.Сабзалиев